

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati»
aksiyadorlik jamiyati
(эмитентнинг номи)


ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш Агентлиги
директори А.Ж.Ортиқов



(акциядори шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

« 1 » ноябр

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси



(рўйхатдан ўтказувчи орган рақоби ва рақобатнинг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

2021 йил « 1 » ноябр № РО366-14 - сон
(сана)

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» aksiyadorlik jamiyati
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:	R	4	1	1	4	P	0	3	6	6	T	5
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги хар бирининг номинал қиймати 3 914 (уч минг тўққиз юз ўн тўрт) сўм бўлган 187 314 383 (бир юз саксон етти миллион уч юз ўн тўрт минг уч юз саксон уч) дона оддий акциялар.

Идентификация рақами берилди:	R	4	2	1	4	P	0	3	6	6	T	3
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги хар бирининг номинал қиймати 3 914 (уч минг тўққиз юз ўн тўрт) сўм бўлган 2 249 558 (икки миллион икки юз қирқ тўққиз минг беш юз эллик сакқиз) дона имтиёзли акциялар.

Акциялар ёпик обуна йўли билан жойлаштирилади.
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)


Акцияларнинг ўшбу чиқарилиши ўн тўртинчи чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: «Olmaliq КМК» АЖ ягона акциядорининг 2021 йил «1» ноябрдаги Қарори билан
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

«Olmaliq КМК» АЖ ягона акциядорининг 2021 йил «1» ноябрдаги Қарори асосида.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 110100, Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 53-уй.
Телефон: (+99878) 141-90-89, электрон почта манзили – info@agmk.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Бош бухгалтер:

Мухр

Хурсанов Абдулла Халмурадович
(Ф.И.Ш., имзо)

Тен Наталья Константиновна
(Ф.И.Ш., имзо)

Сана: 2021 йил « 1 » ноябр

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – **оддий ва имтиёзли**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **хужжатсиз**.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал киймати (сўм) – **3 914 (уч минг тўққиз юз ўн тўрт) сўм**.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) - **жами 189 563 941 (бир юз саксон тўққиз миллион беш юз олтмиш уч минг тўққиз юз қирқ бир) дона акциялар, жумладан:**

- **187 314 383 дона оддий акциялар;**

- **2 249 558 дона имтиёзли акциялар.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм) - **741 953 265 074 (етти юз қирқ бир миллиард тўққиз юз эллик уч миллион икки юз олтмиш беш минг етмиш тўрт) сўм**.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Жамиятнинг ушбу чиқарилишдаги оддий акциялари эгалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- *Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;*
- *Инвестиция воситачисидаги депо ҳисоб варагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;*
- *Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;*
- *Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;*
- *акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;*
- *Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;*
- *олган дивидендини эркин тасарруф этиш;*
- *қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;*
- *ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплаишини белгиланган тартибда талаб қилиш;*
- *ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;*
- *қимматли қогозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;*
- *ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;*
- *Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш.*
- *Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.*

Жамиятнинг ушбу чиқарилишдаги имтиёзли акциялари эгалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- *Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;*
- *Инвестиция воситачисидаги депо ҳисоб варагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;*
- *Жамият фойда кўриш - кўрмаслигидан қатъий назар, Жамият уставининг 5.3. бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;*
- *олган дивидендини эркин тасарруф этиш;*
- *Жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринчи навбатда олиш;*
- *Қонунчиликда белгиланган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш;*
- *Акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки қўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки қўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акциядорларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш.*
- *Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;*
- *қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;*
- *ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплаишини белгиланган тартибда талаб қилиш;*
- *ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;*
- *қимматли қогозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;*
- *ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;*

- Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш.
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан Жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Жамият устав капитали ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилаётганлиги муносабати билан ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна орқали Жамиятнинг акциядорлари ўртасида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм) – 741 953 265 074 (етти юз қирқ бир миллиард тўққиз юз эллик уч миллион икки юз олти миш беш минг етмиш тўрт) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Жами 189 563 941 дона акциялар, жумладан:

- 187 314 383 дона оддий акциялар;
- 2 249 558 дона имтиёзли акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

1-чиқарилиш: 200 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз фоизли облигациялар (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 04.07.2005 йилдаги 15-07/071-сон қарори билан сўндирилган).

2-чиқарилиш: 300 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз фоизли облигациялар (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 04.09.2006 йилдаги 15-07/065-сон қарори билан сўндирилган).

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпик обуна):

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 2021 йил “01” ноябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида кўрсатилган жамият акциядорлари ўртасида улар эгаллик қилган акциялар сонига ва турига мутаносиб равишда 1:1 коэффицентда ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишини бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси – Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс өзласидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акцияларни олди-сотиш битимлари тузилмасдан амалга оширилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ёки амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Номи – «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик

шох кучаси 107-уй;

Телефон – 71 267-37-42, Факс: 71 267-36-42.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

Бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматида, яъни 3 914,00 (уч минг тўққиз юз ўн тўрт) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай шартларда расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги шартлар кўрсатилади:

Баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, берилган лицензияни берган орган.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов 2021 йил 1 октябрь ҳолатига эмитентнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлов сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Жамият томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топилган муҳим факти – 28) Жамиятнинг расмий вэб сайтида (www.agmk.uz), Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий вэб сайтида (www.uzse.uz) ошкор этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағлар 10 (ўн) кун ичида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бухгалтерия ўтказмалари орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Маълумотлар – ахборот тизими манзили: – www.agmk.uz, www.openinfo.uz, www.uzse.uz.

Жамиятнинг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли билан Тошкент вилояти Олмалик шаҳри Амир Темур кўчаси, 53-уйда жойлашган «Olmaliq КМК» АЖ биносидан, нусхаси билан эса Жамиятнинг веб-сайтида (www.agmk.uz) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар – кўзда тутилмаган.